

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ



**ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА
МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами

1-КИТОБ

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 069.01

ББК 79.1

3-24

Замонавий дунёда музейшуносликнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами/. – Т.: “LESSON PRESS”, 2021. 440 бет.

УЎК 069.01

ББК 79.1

Масъул муҳаррирлар:

Жаннат ИСМАИЛОВА, тарих фанлари доктори, профессор
Лариса ЛЕВТЕЕВА, тарих фанлари номзоди, кат.и.х.

Жамловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Алишер Исмаилов, п.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.
Хушнудбек Мамадалиев, илмий ходим

Тақризчилар:

Т.Ф.Д.Б.В.Хасанов, т.Ф.Н.Х.Файзиев

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 2 мартағи №78-ф сонли фармойиши асосида 2021 йил 14 апрелда -халқаро миқёсда ўтказиладиган «Замонавий дунёда музейшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусида ташкил этилган халқаро илмий-амалий анжумани материал тўплами.

Масъул муҳаррирлар: Ж.Х.Исмаилова, Л.Левтеева; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи. 2021. 393-Б.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2021 йил 12 апрелдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Тўплам музейшунос, тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-7221-2-8

© ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2021.

5-ШЎБА. ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Хасан БАБАДЖАНОВ,
«Шон-шараф» давлат музейи
етакчи илмий ходими,
т.ф.ф.д. (PhD), доцент
(Ўзбекистон)

XXI АСР ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация:

Мазкур мақолада XXI асрда дунё музейлари фаолиятининг ташкил этилиши, ривожланиши йўналишилари ҳамда уларни реконструкция қилинини масалаларига эътибор қаратилинади. Дунёда музейларнинг маданиятларни боғловчи, уларни уйғунлаштирувчи роли таҳлил этилиб, музей филиалларини очилиши каби янги маданий феномен тажрибасининг ижобий ва салбий томонлари кўриб чиқилади.

В данной статье уделяется внимание организации работы музеев, вопросам реставрации, основным направлениям развития мировых музеев в XXI веке. Анализируется роль музеев в мире в соединении культур и их гармонизации, а также рассматриваются плюсы и минусы опыта нового культурного феномена, такого как открытие филиалов музеев.

This article pays attention to the organization of the work of museums, the issues of restoration, the main directions of the development of world museums in the XXI century. In this article is analyzed the role of museums in the world in connecting cultures and their harmonization, and the advantages and disadvantages of the experience of a new cultural phenomenon, such as the opening of branches of museums.

Кўп асрлар давомида музейлар маданий ва тарихий маскан сифатида ўз анъаналари ва тартиб қоидаларига эга бўлиб келди. Шу билан бирга музейлар фаолияти аввалги даврларда кузатилмаган ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. XXI асрнинг дастлабки йигирма иили таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, музейлар нафақат ўзларининг маданий-тарихий маскан сифатидаги ролини сақлаб қолдилар, балки дунё маданий ва тарихий тадқиқотлари марказларига айланиб бормоқдалар.

Дунё етакчи музейлари баъзи ҳолатларда шаҳар ва минтақаларнинг муҳим маданий ва архитектуриск марказларига айланиб, уларга йилига миллионлаб ташқи ва ички туристлар ташриф буюрмоқда. Британиянинг «The art news papers» номли нашрнинг маълумотларига кўра, дунёнинг энг ташриф буюрилувчи Лувр (Париж, Франция), Метрополитен (Нью-Йорк, АҚШ), Хитой миллий музейи (Пекин, ХХР) каби музейларига йилига тахминан 8 миллиондан ортиқ киши ташриф буюради [1, 109]. Номлари келтирилган уч музей турли минтақаларда жойлашганлиги ҳам эътиборни тортади.

XX аср охири ва XXI аср бошларида дунёнинг кўпгина машҳур музейларида реконструкция амалга оширилди. Архитектура жиҳатдан реконструкция қилишда асосий эътибор музейнинг «канъанавий» қўринишини сақлаб қолган ҳолда, бинонинг фойдали майдонини кенгайтиришга қаратилди. Натижада музейларда янги кўргазма заллари, меҳмонларни кутиб олиш учун майдонлар пайдо бўлди. Бундан реконструкцияларни дунёда амалга оширилишининг бир неча ижобий намуналари мавжуд. 1980-1990 йиллар оралиғида Катта Лувр лойиҳаси амалга оширилиб (архитектор Й.М.Пейғоялари асосида), музейда янги кўргазма зали ва ташриф буюрувчилар учун Напалеон холи яратилди.



© Rob Shaw

1-расм. Лувр пирамидаси ва еости савдо маркази. Ер остидан кўриниши.

Ҳозирги кунда Берлиндаги музейлар оролида ҳам жадал қурилиш ишлари амалга оширилмоқда (лоихани 2028 йилгача тугатиш режалаштирилган). Лоиха тўлиқ амалга оширилши билан Жеймс-Симон-Галери номли музей комплекси яратилади. Лоиха машҳур британиялик архитектор Д.Чепперфильд томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни ушбу ишга Ф.А.Штюлер музейи устунлари илҳомлантирган деб ҳисобланади. Берлиндаги музей оролидаги тўрт музейни бир-бири билан боғловчи тунеллар, шунингдек, паркинг, кутубхона, ресторан, дўконлар каби замонавий инфраструктура барпо этилади. Ушбу икки мисолдан маълум бўлганидек, XXI аср замонавий музейлар соғ «кўргазма майдони»дан барча инфраструктура ва қулайликларга эга бўлган замонавий мажмуаларга айланиб бормоқда [3, 21].



2-расм. Берлиндаги музейлар ороли.

Музейлар ривожланишидаги яна бир замонавий йўналишлардан бири – музей филиалларининг ташкил этилишидир. Музей филиалларининг ташкил этилиши ички ва ташқи бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда музейларнинг ички филиалларини ташкил этиш нисбатан кенг тарқалган. Ташқи филиалларни ташкил этиш жараёни ташкилий жиҳатдан ҳамда иқтисодий сарф-ҳаражат нуқтаи назаридан анча мураккаб жараёндир. Аввало филиал ташкил этувчи музей дунё миқёсида машҳур бўлмоғи керак. Масалан, 1997 йилда Нью-Йоркдаги Соломон Гугенхайм музейи Испаниянинг Бильбао шаҳрида ўз филиалига асос солди [4, 151]. Бу Гугенхайм музейининг Венеция ва Абу-Дабидан кейинги учинчи филиали бўлди [2, 157]. Бошқа филиаллардан фарқли равишда музей филиалининг очилиши билан Испаниянинг қолоқ ҳудудларидан бири бўлган Бильбао шаҳри маълум муддатдан сўнг ривожланиш бошланди. Бу ходисага фанда «Бильбао эфекти» деб ном берилди.



З-расм. Бильбаодаги Гугенхайм музейи.

Дунё миқиёсида хорижда музей филиалини ташкил этилишининг энг машхур намунаси сифатида Бирлашган Араб Амирликлари пойтахтида очилган Лувр Абу-Дабидир. Лувр Абу-Даби музейнининг очилиши Франция ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида кенг маданий ва иқтисодий алоқаларни бошлаб берди. Музей очилиши воситасида БАА ўзининг дунёда туристик марказ сифатида мавқеини мустаҳкамлаш бўлса, Франция учун анъанавий Буюк Британия таъсиридаги минтақага ўз маданий таъсирини кучайтириш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, Лувр Абу-Даби яратилишидаги иқтисодий манфаатлар лойиҳани амалга оширишда салмоқли ўринга эга бўлди. Шунинг учун Лувр Абу-Дабини барпо этилишидан то коллекцияларни шакллантиришга жиддий эътибор берилди. Абу-Дабидаги музей фаолиятини ташкил этишда Луврдан ташқари Франциянинг бошқа машҳур музейларининг (д'Орсе, Родэн, Версаль ва Помпиду Марказ) мутахассислари ҳам жалб этилди.



4-расм. Лувр Абу-Даби музейининг ташқи кўриниши.

2017 йил 11 ноябрда Лувр Абу Даби музейи Франция президенти Э.Макрон иштирок этган маросимда расман очилди. Музей жойлашган Саадия оролида Лувр-Абу Дабидан ташқари Гугунхайм музейи филиали, шайх Заид Миллий тарихий музейи, Денгиз музейи, Амалий санъатлар музейи ва бошқа маданий муассасалар жойлашган.

Лувр Абу-Даби музейи лойиҳаси архитектор Жан Нувель томонидан ишлаб чиқилган. 2009-2017 йилларда музей биноси қурилиши ва жиҳозланиши амалга оширилиб, қурилиш ҳаражатлари жами тахминан 600 млн. долларни ташкил этди. 2037 йилгача Лувр Абу-Даби музейига Франс-Музейсм агентлиги консультация хизматларини кўрсатиш ва «Лувр» брендидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни келишиб олдилар.



5-расм. Лувр Абу-Даби музейи жойлашган Саадият ороли умумий кўриниши.

Дунё миқиёсида машхур музейлар филиалларининг ташкил этилиши шубҳасиз ижобий ҳодиса ҳисобланади. Шу билан бирга музей филиалларини бошқа худудларда очилиши «Пицерия франшиза»си эмаслигини унутмаслик лозим. Филиалларни барпо этишда музей биноси билан бир қаторда, музей коллекцияларига ҳам эътибор бериш керак. Музей филиаллари ўзларининг доимий коллекцияларига эга бўлмоғи лозим. Агар филиал музей бунга эга бўлмаса, у туристларни жалб қилувчи чиройли ном ва биногина бўлиб қолади. Музей филиалларини ташкил этишда уларнинг сони ҳам муҳим ҳисобланади. Филиаллар сонининг ортиб бориши улар фаолиятга салбий таъсир ҳам қўрсатиши мумкин. Гугенхайм музейининг Бильбаодаги филиали жамоатчиликка қизиқ бўлиши мумкин. Лекин бу музейнинг 5чи ёки 7чи клони унчалик қизиқ бўлмаслиги мумкин.

Демак, филиаллар музейлар иерархиясида ўзининг ўрнини топиши учун соҳа инновацияларидан фойдаланиш керак. Агар музей филиаллари муваффақиятли фаолиятни бошласа, бу ҳолат худуднинг маданий-маърифий ва иқтисодий ютуғи бўлади. Юқорида номи келтирилган Лувр Абу-Даби музейида айнан ютуқлар мажмуаси намоён бўлди. БАА бу лойиҳа орқали дунё ҳамжамиятига мамлакатнинг модернизация йўлига кирганлиги ва очиқлигини қўрсатиб берди. Шунингдек, БААда Лувр мактаби ва Париж IV Сорбонна Университети билан ҳамкорликда «Музей касблари» ихтисослигига магистрлик йўналишлари очилди.

Лувр музейининг Франция шимолидаги Ланс шаҳрида ёки С.Гуггенхайм музейининг испаниянинг Бильбао шаҳрида филиалларининг очилиши бир пайтлар депрессив ҳисобланган худудларни яна ривожланишига имкон яратди. Масалан, Франциянинг кўмир қазиб чиқариш марказларидан бири ҳисобланган Ланс шаҳри кўмир шахталари ёпилиши муносабати билан ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб инқирозга юз тута бошлади. 2004 йилда Ланснинг Лувр музейи филиалини жойлаштириш конкурсида ғалаба қозониши шаҳар тарихида янги сахифани очиб берди [1, 111]. Ланс ҳозирги кунда Франциянинг жадал ривожланаётган шаҳарлар қаторига киради.



6-расм. Лувр Ланс музейи.

XXI аср музейлар ўзининг маданий-тарихий таъсирида глобал институцияларга айланди. Музейлар мамлакатларни маданий-тарихий боғловчига хамда давлат маданий сиёсатининг бош воситачиларидан бирига айланди. Замонавий давр музейлари ҳар қачонгидек ташриф буюрувчилар қизиқишлигини инобатга олмоқда. Кўпгина мамлакатларда музейлар маданий-тарихий туризмнинг муҳим объектларига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куклинова И.А. Развитие универсальных музеев в XXI в. // Вестник СПбГИК. 2019. № 1 (38). – С. 109-113.
2. Куклинова И.А. Лувр Абу-Даби: универсальный музей в арабском мире // Вопросы музеологии. 2013. № 1 (7). – С. 156-162.
3. Мастеница Е.Н. Музейный мир в XXI в.: векторы развития // Труды Санкт-Петербургского государственного института культуры. 2015. – С. 19-26.
4. Скрипкина Л.И. Строительство новых музеев в контексте глобальных вызовов современности // Вестник МГУКИ. 2015. № 6 (68). – С. 148-155.

Сиддиқов К. Ўзбекистонда кулолчилик санъати ва технологияси тарихини ўрганилишининг айрим масалалари	277
Рахимов К., Мамиров О. Шимолий Уструшонанинг ховос рустоқи археологик ва ёзма манбаларда.....	282
Примов М. Ўзбекистон хариталарини тузишда тарихчи олимлар ва музей ходимларининг фаолиятига доир	289
Назарова Д. Россия Кўқон муносабатлари тарихининг манбаларда ёритилиши	295
Ўринбоева М. Музейлар- ҳалқ тарихининг кўзгуси	305
3-ШЎЬБА. ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ	
Мухамедова М. Ўзбекистонда туристик марказларда сайёҳлар оқими ва моддий базасини аниқлаш, уларни қабул қилишнинг муҳим жиҳатларига доир лойиҳаларнинг тавсифий ўрганилиши (XX асрнинг охиirlари)	309
Самаров Х. Миллий мерос - туризм ривожланишининг омили .	321
Mirkomilov B., Raimov S. O'zbekiston turizmida Forishning o'rni	328
Муродов X. Buxoro turizmini rivojlantirishda madaniy sohaning o'rni	334
Матякубов Д. Замонавий музейшуносликда туризмни ривожланши ва виртуал музейлар.....	343
Темиров А. Туризмни ривожлантиришда жаҳон тажрибаси	349
Атабекова С. Жаҳондаги музей ашёлари реставрацияга доир илмий лабораториялар фаолиятини ўрганиш масалалари.....	354
Сатторов А. Музейлар фаолиятида маданий туризмнинг таъсири	363
4-ШЎЬБА. МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИ, МУЗЕЙЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА МАРКЕТИНГ	
Алиева Н. Музей как средство отражения важнейших эпизодов истории	368
Муродов А. Жадидлар илмий меросини олий педагогик таълим муассасаларида татбиқ этишда музей педагогикасининг роли	378
Исмаилова Д. Юксак маънавиятни шакллантиришда музейларнинг ўрни	384
Губайдулина А. Значение культуры, искусства и роль музеев в воспитании молодежи	388
5-ШЎЬБА. ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ	
Бабаджанов X. XXI аср замонавий музейлар тараққиётининг асосий йўналишлари.....	394
Hiroaki Furusho. Current status of Japanese museums.....	402